# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 26 сентябрь, № 201 (8544) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни темир йўл соҳасини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Сўнгги етти йилда мамлакатимизда саноат корхоналари кўпайиб, 110 мингтага етди. 2 мингдан зиёд янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Экспорт ҳажми 1,6 баробар ошиб, ўтган йили 19 миллиард долларга етди. Буларнинг натижасида мамлакатимизда юк айланмаси 30 фоизга ошган.

Маълумки, Ўзбекистон каби дунё океанларига тўғридан-тўғри чиқиш имкони йўқ мамлакатлар учун энг қулай ва арзон транспорт бу темир йўл ҳисобланади. Лекин ҳозир ички бозорда маҳсулотнинг атиги 5 фоизи, экспортда эса 45 фоизи поездда ташиляпти. Яъни "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти автомобилда юк ташишга рақобат қила олмаяпти.

Чунки соҳа узоқ йиллар ислоҳ қилинмади, замонавий бошқарув тизими жорий этилмади. Шу билан бирга, ҳалқаро майдондаги вазият ҳисобига транспорт-логистика харажатлари ҳам ошган. Оқибатда жамиятнинг даромади ҳам, хизматлар сифати ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Жумладан, вагонлар етишмовчилиги ва уларнинг кўплари эскирганлиги айтиб ўтилди. Ҳозирги тарифлар ва бошқарув тизими билан соҳага хусусий сектор кириши қийин. Аксарият станцияларнинг даромади ўз харажатини қопламайди. Рақамлаштириш даражаси пастлигича қоляпти. Вокзалларда савдо ва сервис лозим даражада йўлга қўйилмаган. Хавфсизлик важи билан марказий вокзалларга кириб-чиқиш имконияти чекланган. Автотураргоҳлар узоқ жойлашгани, чипта сотишдаги коррупция, вагонлардаги шароит ва хизматдан аҳоли норози.

Шулар қайд этилар экан, йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Унга кўра, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятини холдингга айлантириб, замонавий бошқарувни жорий қилиш, инфратузилма, юк вагонлари ва логистика, йўловчи ташиш хизматлари ҳамда вокзаллар бошқарувини бир-биридан ажратиб, алоҳида корхоналар ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, соҳадаги самарадорликни ошириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди. Бухгалтерияни шаффоф қилиб, корхоналарга давлат кафолатисиз инвестициялар ва хорижий экспертларни жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада хусусий сектор учун жозибадор тарифлар шакллантирилиши, тадбиркорларнинг вагон сотиб олиши учун кредитлар ажратилиши белгиланди. Шунингдек, марказий вокзаллар атрофида замонавий савдо мажмуалари қуриш мумкин бўлади, вокзаллардаги жойлар ижара учун аукционга чиқарилади. Темир йўл станциялари атрофида бўш жойлар аниқланиб, логистика хизматлари ва ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилади.

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда "ягона дарча" тамойили орқали юк ҳужжатларини электрон расмийлаштириш, вагонларга GPS ўрнатиш ва онлайн омбор ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

"Ўзбекистон темир йўллари"нинг носоҳавий активларини қайта кўриб чиқиш, уларни сотишдан тушган маблағларни темир йўл инфратузилмасини яхшилашга йўналтириш муҳимлиги таъкидланди.

Поездларнинг катта қисми пойтахт ва вилоят марказларига кириб келиши оқибатида станцияларда тирбандлик юқори бўлаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис юк станцияларини шаҳарлардан ташқарига кўчириш имкониятини ўрганиш зарурлиги қайд этилди. Бу шаҳарларда юк машиналари ҳаракати камайишига, туманларга қўшимча инвестиция киришига хизмат қилади.

Транспорт прокурорига барча темир йўл кесишмаларини тартибга олиб, фуқаролар ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатма берилди.

Ходимлар малакаси, хизматлар сифати масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги ислоҳотлар орқали аҳоли ва тадбиркорларни рози қиладиган тизим яратиш зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

### Акс садо

## ОЧИҚ ВА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ

*Нью-Йорк шаҳридаги БМТ бош қароргоҳида Бош Ассамблея 78-сессиясининг умумсиёсий мунозаралари бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари глобал ва минтақавий кун тартибидаги энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.*

Дунёда ишонч ҳамда ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди. Иқлим ўзгариши, сув ҳамда табиий ресурсларнинг етишмаслиги, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози каби замонамиз муаммолари барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда тобора ортиб, шу муносабат билан очиқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб қилинмоқда.

Бундан ташқари, радикализмнинг ўсиб бориши хавфли тенденцияга айланмоқда. Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, кўп жиҳатдан аллақачон замонавий ҳаётни белгилаётган хавфсиз ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегия доирасида бир масалага муҳим аҳамият берилди, у ҳам бўлса, илгари экстремизм ғоялари таъсирида бўлган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва жамиятга мослаштириш масаласидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шу давргача беш марта "Меҳр" инсонпарварлик миссияси ўтказилди. Унинг доирасида 530 дан зиёд фуқаролар, аввало, аёллар ва болалар Яқин Шарқдаги қуролли низолар ҳудудларидан юртимизга қайтарилди. Уларнинг барчасига тиббий, психологик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Президент таъкидлаганидек, БМТга аъзо давлатлар халқаро терроризм каби умумий таҳдидларга қарши курашда янада бирлашиб, ҳаракат қилишлари керак. Шу ўринда хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этиши бугунги куннинг долзарб масаласидир. Миллий сиёсатимиз марказида турадиган энг эзгу мақсад — оилалар мустаҳкамлигини, аёллар ва болаларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат.

Жамиятимизда давлат раҳбарининг алоҳида ташаббус ва эътибори билан хотин-қизларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Юртимизда хотин-қизларнинг ўз иқтидорини намоён қилиши, қобилиятига яраша ишлаши учун барча шароит мавжуд. Айниқса, уларни ўқитиш, билимли қилиш, касбга ўргатиш орқали жамиятда иқтисодий эркинликка эришишини таъминлаш устувор вазифа сифатида қаралипти.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Ва Афғонистонни ўз муаммолари билан яна ёлғиз қолдириш — бу катта хато эканлигини қайд этди. Инкор қилиш, яккалаб қўйиш ва санкциялар қўллаш оддий афғон халқининг аҳволини янада оғирлаштиради. Шу маънода, Президент дунё ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бирлашишга ва бу борада БМТ раҳнамолигида Афғонистон бўйича биргаликда ишлаб чиқилган, вазиятга мослашувчан ҳамда конструктив позицияни белгилашга чақирди.

➡ 2

## ҲЕЧ КИМ ЎЗ ДАРДИ БИЛАН ЁЛҒИЗ ҚОЛМАСИН

*Дунё кун сайин шиддат билан ўзгармоқда. Бир ёқда экологик буҳронлар, глобал иқлим ўзгаришлари, бошқа томонда геосиёсий зиддиятлар, учинчи томонда диний тоқатсизлик кўринишлари авж олиб, ўзаро низолар кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатларнинг барқарор ривожланиши ниҳоятда қийин тус олди.*



Энг ачинарлиси, уруш ўчоғига айланган, қуролли тўқнашувлар кузатилаётган, ички муаммоларига ўралашиб, ўз дарди билан ёлғиз қолаётган мамлакатларда, асосан, тинч аҳоли жабр кўрмоқда. Бу ҳудудларда таълим тизими издан чиққани, одамлар, айниқса, болалар очликдан азоб чекаётганини ҳеч бир баҳонаю сабаб билан оқлаб бўлмайди. Шу боис тинч ва барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлатларнинг чин вазифаси уларга ёрдам қўлини чўзиш, ўзаро муроса йўлини топишда беғараз кўмаклашиш бўлиб қолаётир.

Аллақачон инсоният учун ҳаётий даъватга айланиб улгурган бу қарашларни БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев дадил илгари сурди. Дунё сиёсатчиларини ҳамжиҳатлик ва бирдамликка чорлади.

Бу нутқ аввалидаёқ сезилиб турди. *"Жаҳон миқёсида ишонч инқирози кузатилмоқда. Глобал хавфсизлик институтлари фаолиятидаги муаммолар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш кучаймоқда. Ва буларнинг барчаси кенг кўламдаги кескинлик ортишига сабаб бўлмоқда"*, деди Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат шундай. Масалан, Афғонистонни олайлик. Бугун бу мамлакатдаги вазият бутун дунёга, жумладан, Марказий Осиё минтақаси ривожланишига, эркин ижтимоий-иқтисодий фаолият юритишига кескин тўсиқ бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Буни ҳам қўя турайлик, жафокаш афғон халқининг қарийб ярим асрдан буён мудом талатўплар орасида яшаётганичи?! Неча-неча авлодлар бу дунёни фақат қўрқув ва уруш алангаси сифатида кўриб улғайди. Оналар фарзанди очликдан ёки дайди ўқдан ўлмасин учун, уларни ёт бегоналарга сотишга мажбур бўлмоқда.

Ўзбекистон Президенти БМТ минбарида яна бир бор афғон масаласини кўтаргани замирида ана шундай аянчли манзарага чиройли нуқта қўйиш мақсади бор. Қолаверса, халқаро минбарларда ҳар сафар бу масалага такрор ва такрор эътибор қаратаётган Шавкат Мирзиёев янги ва туб ислоҳотларга муҳтож бугунги дунёвий муносабатларга янги қарашларини акс эттирди.

*"Афғонистонни ўз муаммолари билан яна ёлғиз қолдириш — бу катта хато бўлади"*, деди ва нима учун шундайлигини ҳам изоҳлаб ўтди.

Унга кўра, биринчидан, замонавий дунёда вақт ва масофа билмайдиган зиддиятли тўқнашувлар, қуролли можаролар халқаро хавфсизликка бир зумда таъсир қилмасдан қолмаяпти. Шундай экан, Афғонистонда юзага келган янги вазият бу мамлакатда тинч ва барқарор муҳитни тиклаш учун қулай имкониятдир.

➡ 2

### Сенат ялпи мажлиси олдидан

## МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида бир қатор қонунлар ҳамда бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Кеча ўтказилган парламент юқори палатаси қўмиталари йиғилишларида мазкур масалалар дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.*

### Ўта оғир жиноят содир этмаган ўспиринлар ҳаётини қайтадан бошлашга имконият берилади

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

"2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга доир давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат билан ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган ўта оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Шунингдек, қонунда вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклашнинг ҳамда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам муддати олти ойдан бир ойгача қисқартирилиши назарда тутиляпти.

Ушбу қонун вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигини янада либераллаштиришга хизмат қилади ва ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсга ҳаётини судланганлик тамғасидан холи тарзда давом эттириши учун шароит яратади.

Статистик рақамларга кўра, мамлакатимизда 2021 йилда 1 минг 472 нафар вояга етмаган шахс судланган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 2 минг 116 нафарга етган. Ўтган 2022 йилда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар 389 та, унча оғир бўлмаган жиноятлар сони эса 510 тани ташкил қилган.

Мазкур ҳужжатнинг маъқулланиши юзлаб ёшларга ҳаётини қайтадан бошлаш, жамиятда ўз ўрнини топиш, оиласига, маҳалласига, жамиятга фойда келтирадиган инсон бўлиб камолга етишига имкон беради.

### Солиқ, бюджет ва ер тўғрисидаги нормалар такомиллаштирилмоқда

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси мажлисида "Солиқ ва бюджет қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

➡ 2

### Қонунчилик палатаси фракцияларида

## ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯМИЗГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.*

Уларда дастлаб ўтган ҳафтадаги муҳим сиёсий воқеликлар — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи, БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқи, тадбир доирасида АҚШ ва Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари саммитида иштироки, хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан ўтказган учрашувларининг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Мамлакатимиз халқаро муносабатларда фаол ташқи сиёсатни йўлга қўяётгани ва бу халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг тарихий нутқида илгари сурилган таклиф ва ташаббуслардан келиб чиқиб, партиялар, уларнинг фракциялари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муфассал кўриб чиқилди. "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлган ҳужжатлардан бири бўлди.

➡ 2

### Йиғилиш

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

*Самарқанд шаҳридаги "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази ҳудудидаги конгресс-холлда Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.*

Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов очди.

Анжуманда Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон касаба уюшмалари раҳбарлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг таниқли сиёсатчи ва зиёлилари, жамоатчилик ва илм-фан намояндалари, шунингдек, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳудудий кенгашлари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур анжуман қатнашчиларини, умуман, халқларимизни жуда катта ва узоқ ўтмиш, бебаҳо умуммерос бирлаштириб туради. Кейинги йилларда туркий давлатлар ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммити туркий дунёни янада яқинлаштириш ва улкан салоҳиятини тўлиқ ишга солишда муҳим роль ўйнади.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилишида ана шу умумий тарихни ҳамда бугунги даврдаги ўзаро алоқаларни ўзида акс эттирган видеоролик намойиш қилинди.

➡ 3

### Осиё ўйинлари




## СПОРТЧИЛАРИМИЗ ВАТАН ШАРАФИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

*Шу кунларда Хитойда XIX ёзги Осиё ўйинлари бўлиб ўтаётир. Қитъамизнинг мазкур нуфузли мусобақасида 350 нафардан ортиқ ўзбекистонлик спортчилар совринли ўринлар учун беллашмоқда. Ҳамюртларимиз қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида Ханчжоу шаҳридан мухбиримиз хабар қилади.*

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ушбу беллашувларда атлетлар 40 та спорт турининг 61 йўналишида нафақат медаллар, балки келгуси йили Парижда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун ҳам кураш олиб боришмоқда. Айни шу жиҳат ҳар бир беллашувнинг муросасиз ўтишини таъминлаяпти.

23 сентябрь куни Ханчжоу шаҳрида XIX ёзги Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Музаффарбек Тўрабоев ҳамда қиличбозлик бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони Зайнаб Дайибекова Ўзбекистон байроғини майдондан олиб ўтди.

XIX ёзги Осиё ўйинларида дастлаб беллашувларни футболчиларимиз бошлаб берди. Темур Кападзе бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси гонконглик тенгқурларига қарши икки учрашувда баҳс олиб бориб, 1:0 ва 2:1 ҳисобида ғалабага эришди. Энди вакилларимиз 1/8 финалда Индонезия олимпия терма жамоаси билан беллашади.

➡ 4

### Сессия

## Куз-қиш мавсуми: АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР МУҲОКАМАСИ

*Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини "яшил" энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.*

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Навоий шаҳар ҳокими Д. Эргашев ҳамда ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ў. Ҳақбердиевнинг ҳисоботлари эшитилди.

Ҳисоботларда шаҳарда кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида 78 та кўп қаватли уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилгани, 34 та кўп қаватли уй-жойнинг 46 минг кв. метр том қисми, 37 тасининг ертўла қисмидаги муҳандислик тармоқлари, 11 тасининг эса фасад қисми таъмирлангани ҳақида ахборот берилди.

Бундан ташқари, аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларни узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мақсадида учта маҳалла фуқаролар йиғинига 15,8 км. электр тармоғи тортилган. Шунингдек, электр узатиш тармоғи таянчлари янгисига алмаштирилиб, аҳолининг электр энергияга бўлган талаби кундан-кунга ортиб бораётгани инобатга олинган ҳолда янги трансформаторлар ўрнатилган.

➡ 2



# ОЧИҚ ВА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ

1

Шунингдек, давлатимиз раҳбари нуфузли минбардан туриб Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқиш таклифини олға сурди.

Биламизки, ўзбек ва афғон халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Бизни маданий, маънавий ва тарихий қадриятлар, ягона дин ва буюк аждодларимизнинг мероси бирлаштириб туради.

Таъкидлаш керакки, Амударёнинг нариги соҳилида тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди. Шу боис ҳам Президентимизнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 25-26 июль кунлари "Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Мазкур анжуман Афғонистонда гуманитар инқирознинг олдини олиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётни тиклашга кўмаклашиш, кўп миллатли афғон халқи ва бутун дунё манфаати йўлида ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнига тортиш мақсадида уюштирилган эди. Унда илк бор Марказий ва Жанубий Осиё, Европа, Америка, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё — Тинч океани минтақаларидаги Афғонистонда барқарорликни тиклашга бевосита жалб этилган йигирмадан ортиқ давлатларнинг Афғонистон бўйича махсус вакиллари, ўнлаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси бир майдонда жам бўлган эди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Марказий Осиёнинг дунёга очиқлиги — минтақа хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган энг муҳим шартга айланмоқда, дея таъкидлади. Хусусан, таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин. Хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники" деб ажратишдан воз кечиш, "яхлит хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш зарур.

БМТ минтақавий хавфсизлик муаммосини, аввало, превентив дипломатия усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишда муҳим ўрин тутиши лозим. Шунингдек, МДҲ, ШҲТ, ЕХҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш давр талабидир. Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида ҳам хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Унда давлат раҳбари хавф-хатарларга самарали қарши туриш имконияти кўп қиррали шерикликни чуқурлаштиришга қаратилган қўшма саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга боғлиқ, дея таъкидлади.

Умуман олганда, Ўзбекистон БМТ институтлари ва барча давлатлар билан кенг кўламли ва узоқ муддатли шерикликни чуқурлаштиришга тайёр. Бу эса ҳар қандай соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

# ҲЕЧ КИМ ЎЗ ДАРДИ БИЛАН ЁЛҒИЗ ҚОЛМАСИН

1

Иккинчидан, шундоқ ҳам ниҳоятда қийин шароитда яшаб келаётган афғон халқини ўз ҳолига ташлаб қўйиш, уларни инкор қилиш, яккалаш, санкциялар қўллаш мамлакатдаги вазиятни янада издан чиқаради, холос.

Учинчидан, Президентимиз *афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик лозим, деб ҳисоблайди ва Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқишга* чақиради.

Нега шундай? Чунки ижтимоий муаммоларига ечим топилган бу мамлакат тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида иштирок этадиган, қўшнилари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очиқ Афғонистонга айланиши мумкин.

БМТ минбарида янграган бу чақириқ халқаро экспертлар ва етакчи сиёсатчилар томонидан ҳам қўллаб-қувватлангани Афғонистондаги мавжуд вазиятни барқарорлаштиришга бўлган умид куртакларини уйғотмоқда.

Дунёдаги вазият яна бир томондан мураккаблашиб бормоқда. Бу диний тоқатсизлик, исломофобия кўринишларида акс этаётир.

БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида давлатимиз раҳбари эътиборидан бу муаммо ҳам четда қолмади.

Сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмаслигини қатъий таъкидлаган давлатимиз раҳбари *"Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни таклиф қиламиз"*, деди.

Бу таклиф замирида жуда муҳим ҳаётий тутумлар ўрин олганини англаш қийин эмас. Боиси айнан диний муносабатларда зиддиятли қарашлар бошқа иллатларга кенг йўл очмоқда. Булар диний экстремизм, ёшлар радикаллашувига йўл берилаётгани каби кўринишларда намоён бўла бошлаганига ҳам анча бўлди. Лекин ҳали ҳам кеч эмас. Чунки бугун бундай ёвуз ва бир томонлама қарашлардан кўз юмилса, ёшлар таълим-тарбияси ҳамда интилишлари билан қизиқмасак, эртага вазият янада чигаллаша бошлайди ва бутқул издан чиқиб кетади.

Шу маънода, Президентимиз таклиф қилган ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро маркази жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи муҳим жиҳат — динлараро бағрикенгликни кенг тарғиб этиш. Шу ўринда таъкидлаш керакки, дунёдаги ҳеч бир дин ёвузликни, адолатсизлик ва муросасизликни тарғиб қилмайди. Уларнинг барчаси, аввало, инсонларни тотувлик ва меҳр-оқибат билан яшашга ундайди.

Президентимиз БМТ минбарида яна бир муҳим қарашни илгари сурди. Бу Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги кўриниши билан боғлиқ.

*"Марказий Осиёнинг дунёга очиқлиги — минтақа хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган энг муҳим шартга айланмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига хосликни англаш туйғуси бирлаштирмоқда ва бу туйғу тобора кучайиб бормоқда. Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажагимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир. Минтақавий ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан бошқа йўлимиз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас"*, деди давлатимиз раҳбари.

Бу фикр минтақамиз давлатлари мустақилликни қўлга киритгандан буён ўтган даврда дунё минбаридан туриб айтилган илк дадил ва қатъий сиёсий иродали позиция бўлди, дейишга ҳар томонлама ҳақлимиз.

Шу маънода, Марказий Осиё давлатларининг аҳилликда, ҳамжиҳатликда ва бирдамликда ривожланишга киришгани халқаро миқёсда ҳам эътироф этилиб, бу минтақамиз халқлари учун янги бир давр бошланаётганидан далолат беради.

Мухтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридан айтган фикрлари ва таклифларига дунё жамоатчилиги ҳали кўп бора мурожаат этади, мушоҳада қилади. Бунга асосларимиз ҳам бор. Зеро, бу нутқ одамларнинг қалбидан, тафаккуридан чуқур жой олганида ҳам намоён.

**Маҳмуджон БОЛТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, профессор.**

# МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

1

Таъкидланганидек, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва Бюджетномани Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис палаталарига киритиш муддати аниқ белгиланмоқда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича маълумотларни ўз расмий веб-сайтлари, шунингдек, "Очиқ бюджет" ахборот порталига жойлаштириб бориши Бюджет кодексида акс эттириляпти.

Шунингдек, ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам доирасида келган тиббий асбоб-ускуналардан пуллик хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиш имкони яратилмоқда. Бундан ташқари, бюджет ташкилотларига ижарага берилган ер участкаларидан солиқ ундириш ва тўлаш тартибини, фойдаланилмаётган бинолар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкаларига нисбатан тегишли солиқларнинг оширилган ставкаларини қўллаш тартиби бекор қилинмоқда.

Сўнгра "Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу қонун ҳам олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи, ер ижараси билан боғлиқ муносабатларни ва хусусийлаштирилган ер участкаларига оид қоидаларни такомиллаштиришга қаратилган қатор нормаларни ўз ичига олади.

Қонунда ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бирга ижарага берувчининг розилиги асосида бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкинлиги белгиланмоқда. Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахслар томонидан электрон онлайн-аукцион орқали олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар бошқа шахсга ижара муддатидан ошмаган муддатга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкинлиги кўзда тутилган.

Сенаторлар қонун билан ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар бартараф этилаётганлигига эътибор қаратишди.

Хусусан, ушбу кўриб чиқилаётган қонунда ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи, яъни сервитут белгиланган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтган тақдирда ҳам сервитут сақланиб қолиниши, сервитут олди-сотди, ҳадя, гаров ёки ижаранинг мустақил предмети бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Сервитут белгиланиши ер эгасини, ердан фойдаланувчини, ер участкасининг ижарачиси ва мулкдорини ушбу ер участкасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги кўзда тутиляпти.

## Касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг мажлисида "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқишда педагогларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, улар фаолиятининг асосий кафолатлари, педагогларнинг ўз касбий фаолиятини юритиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни, уларга муносиб ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ўқитувчининг шаъни ва қадр-қиммати, шунингдек, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишни белгилаб берувчи меъёрларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонунда педагогни ҳар қандай шаклда маъмурий тарзда мажбурлашга, уларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги аниқ белгиланган.

Шунингдек, сенаторлар ер муносабатлари, фармацевтика саноати соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш, республиканинг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

## Педагогларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеи оширилади

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида дастлаб "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонун сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳаллий Кенгашлар котибиятлари мудирлари ҳамда соҳа мутахассислари диққат марказида бўлди.

Қайд этилганидек, ҳужжат билан педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий кафолатлари, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари белгиланмоқда.

Мазкур қонун асосида педагогларнинг ўз касбий фаолиятини юритиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланади ҳамда мамлакатимизда педагогнинг мақоми тан олинади. Ушбу ҳужжат ўқитувчи ва муаллимларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини оширишга хизмат қилади.

Муҳокама жараёнида қонун нормалари билан бирга педагоглар мақомини ошириш, уларнинг моддий таъминоти даражасини ўстириш юзасидан қилинган бир қатор аҳамиятли ишларга ҳам эътибор қаратилди.

Жумладан, сўнгги йилларда педагог ходимларнинг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилгани, алоҳида устама ҳақлар жорий этилиши ва таълим стандартлари талабларига мувофиқ педагогларнинг иш юкламалари мақбуллаштирилгани ҳам айтиб ўтилди.

*Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

Куз-қиш мавсуми:

# АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР МУҲОКАМАСИ

1

Сессияда депутатлар ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа тоифадаги истеъмолчиларга зарур миқдорларда энергетика ресурсларини етказиб бериш бўйича мунтазам равишда маҳаллабай тизимида ўрганишлар олиб бориш лозимлигини қайд этдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини "яшил" энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш масаласига шаҳарда устувор аҳамият қаратилмоқда.

Хусусан, ижтимоий соҳа ва давлат ташкилотларига 2 940 кВт кичик қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 4 776 кВт ўрнатилган ва режа 163 фоизга бажарилган. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар ҳамда аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Сессияда маҳаллий Кенгаш депутатлари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз муносабатларини билдирди. Хусусан, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Бекзод Улуғназаров қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш имкониятларини яратиш, электр йўқотишларни камайтириш, "темир дафтар"га киритилган эҳтиёжманд оилаларга маҳаллий бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилишини таъминлаш, маъмурий-маиший бино ва иншоотларда, жумладан, аҳоли массивлари ва хонадонларда муқобил энергия манбаларини қўллаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди.

Муҳокамаларга бой бўлган йиғилишда депутатлар томонидан берилган саволларга тегишли раҳбарларнинг жавоблари эшитилди.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ҳамда қуйи палатанинг бир қатор депутатлари иштирок этди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу куни Навоий шаҳар Кенгаши депутатлари, маҳаллий партия ташкилотлари фаоллари иштирокида ўтказилган семинарда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли, фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, бунда улар фаолиятига яқиндан кўмаклашиш, партия гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, доимий комиссиялар ишини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикрлашилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи, унда илгари сурилган ташаббуслар, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси мазмун-моҳияти, унда белгиланган устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

**«Халқ сўзи».**

# ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯМИЗГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

1

Қонун лойиҳасига масъул қўмита — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Шербек Бўроновнинг қайд этишича, Олий Мажлис палаталари фаолиятини тартибга солувчи қонунларни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш, шунингдек, замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқарувини шакллантириш мақсадида Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан 13 та қонун ва битта кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда кучли парламент, ихчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга қаратилган бир қатор янги нормалар ўз аксини топди. Парламент палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Шу нуқтаи назардан, таклиф этилаётган лойиҳага кўра, Сенатнинг ваколатлари янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилмоқда. Жумладан, Сенат аъзолари ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдан 4 нафардан сайланиши, 9 нафари Президент томонидан тайинланиши (жами 65 нафар) белгиланяпти. Доимий асосда ишловчи сенаторлар сони амалдаги 25 нафар миқдорда сақлаб қолинаётир.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси қўмиталарига Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботлари ва давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Конституция нормаларини сўзсиз амалга оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини берди.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси** фракцияси аъзолари қонун лойиҳасидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратишди. Жумладан, лойиҳага кўра, Сенатнинг айрим ваколатлари бекор қилиниб, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари сифатида белгиланяпти. Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш, Президентнинг тақдимига биноан Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Бош вазир, Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини эшитиш ваколатлари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари сони 7 тадан 2 тага қисқартирилмоқда. Бунда Спикернинг ўринбосарлари фракция аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда лавозимда бўлиш даврида сиёсий партиядаги аъзоликни тўхтатиб туриши белгиланмоқда.

Лойиҳадаги ушбу нормалар фракция аъзоларининг қизғин мунозараларига сабаб бўлди. Айрим депутатларнинг фикрича, фракция раҳбарларининг ҳозирда Спикер ўринбосари лавозимида фаолият юритиши кейинчалик ҳам қолдирилиши керак ва бу масъулиятни таъминлайди. Қонун ташаббускорларининг қайд этишича эса, Спикер ўринбосарларининг фракция аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги, энг аввало, уларнинг холислигини таъминлайди, шу билан бирга, партиялар, фракциялар мустақиллигини кафолатлаб, уларнинг фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш масаласи ҳам кўтарилди. Чунки лойиҳада Қонунчилик палатасига киритиладиган қонунчилик таклифларини кўриб чиқишнинг муҳим тартиби белгиланмоқдаки, бу ҳақда фуқаролар хабардор бўлиши, бу бўйича ўз таклифларини билдириши мақсадга мувофиқ. Чунончи, лойиҳада 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар, Сенат, Омбудсман ва Марказий сайлов комиссияси қонунчилик таклифларини Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли экани назарда тутиляпти. Англашиладики, демак, эндиликда фуқароларнинг ўзлари ҳам қонун ташаббускори бўлишига ҳуқуқий шароит яратилмоқда. Шунингдек, уларнинг демократик жараёнларда фаол иштирок этиб, муҳим қарорлар қабул қилишда, жамиятдаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этишда тўғридан-тўғри қатнашишига имкон берилаётир.

Мазкур қонун лойиҳаси **"Адолат" социал-демократик партияси, Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракциялари**нинг қўшма йиғилишида ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, ушбу лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ва Сенатнинг янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган мутлақ ваколатларини ҳамда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни, қонунчилик таклифларини илгари суриш тартибини ва қонунларни қабул қилишнинг янги тартибини амалдаги қонунчиликда белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбарининг ваколатлари алоҳида моддада аниқ белгиланмоқда. Парламент текширувини Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида тузиладиган биргаликдаги махсус комиссия томонидан ўтказилиши кўзда тутиляпти.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича турли саволлар кўтарилди.

Ўз навбатида, депутатлар қонун лойиҳаси янги таҳрирдаги Конституциямизнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилишини, унда мустаҳкамланган устувор принципларнинг янги Ўзбекистон ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқарилишини, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилишини таъминлашга хизмат қилишини қайд этди.

Муҳокамаларда лойиҳа юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилган ҳолда қўллаб-қувватланди.

*Фракциялар йиғилишларида кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

Табиат

# КОРХОНАНИНГ ЖОЗИБАДОР БОҒИ

*Бир неча ойдирки, бухороликлар ҳамда вилоятга келаётган меҳмонларнинг Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги маҳсули бўлган "Bukhara-Varnet" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонадан қадами узилмай қолди. Бу — ушбу корхонада ўхшаши йўқ "Ботаника боғи" барпо этилгани билан боғлиқ.*



Иссиқхона хўжалиги соҳасида вилоятда энг забардаст тадбиркорлик субъекти саналган, "Бухоро — агро" эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган бу корхонанинг боғи жозибадорлиги билан кўпчиликни ўзига оҳанрабодек тортмоқда.

Бухоро туманидаги мазкур корхона масъулларининг билдиришича, сўлим гўша 5 гектар майдонни эгаллаган. Ойнаванд далаларда 50 турдаги гуллар, папая, авокадо, банан каби мевали дарахтлар бор.

Дарҳақиқат, эртакларда тасвирланган Боғи эрамни эслатувчи, қишин-ёзин ям-яшил бу масканда мириқиб ҳордиқ чиқариш, мусаффо ҳаводан тўйиб баҳраманд бўлиш учун барча қулайлик муҳайё этилган. Ушбу лойиҳа шарофати билан корхонада 100 та янги иш ўрни яратилганини айтмайсизми?!

— Боғ таърифини эшитиб, болажонларимиз учун шу масканга саёҳат уюштирдик, — дейди Ромитан тумани "Хоса" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Кичкинтой" нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг тарбиячиси Назира Бақоева. — Кўриб турганингиздек, улар бу ерда ростманасига яйрашяпти. Асосий мақсадимиз болаларни табиат гўзалликларидан баҳраманд этишгина эмас, балки уларни ҳар бир гиёҳ, дов-дарахтни асраб-авайлашга ўргатишдан иборат.

Нозик дид билан барпо этилган ҳовузларда сузиб юрган балиқлар, ноёб қушлар, шаршарасимон отилиб турган сувлар масканга ўзгача файз бериб турибди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ




1 Алоҳида таъкидлаш зарурки, Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини таъсис этишдан кўзланган мақсад — Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш, ходимларнинг меҳнат, касбий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Анжуманда Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти халқларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлаб, халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлишга интилиши, натижада анъанавий ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик асосида шаклланаётган муносабатларнинг минтақавий аҳамияти сезиларли даражада ривожланиши, мазкур анжуман ўзаро биродарлик, тарихий ўзлик ва ҳамкорликка бўлган ана шундай эҳтиёжларга тўла мос тушиши алоҳида қайд этилди.

Янги тузилма меҳнатдаги мувозанатга кафил бўлувчи вазифаларни амалга ошириш орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий, меҳнат, касбий, иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни бирлаштириш йўналишларида иш олиб боради.

Мазкур ташкилотнинг тузилиши туркий давлатлар касаба уюшмаларининг меҳнат ва ижтимоий ҳимоя жабҳасида бирлашиши учун мустаҳкам замин яратади. Янги тузилма турли мафкура ва сиёсатдан холи экани, том маънода ижтимоий-иқтисодий ва маданий халқаро институт мақомига мутаносиблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Йиғилишда Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг ташкилот Устави лойиҳаси кўпчилик овоз билан асос сифатида қабул қилинди ва кенгаш таркиби тасдиқланди.

Навбатдаги масала — ташкилот президентини сайлаш жараёнида Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов номзодини Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти президентлигига таклиф этди. Очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов бир овоздан Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти президенти этиб сайланди.

Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиев номзоди янги ташкилотнинг вице-президентлигига бир овоздан маъқулланди.

Таъсис йиғилишида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг бош котибини сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин бу лавозимга муносиб, деб топилди.

Йиғилиш иштирокчилари ташкилотнинг 5 кишидан иборат назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини ҳам сайлади. Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Ўморбек Арстанбеков ташкилотнинг назорат-тафтиш комиссияси раиси этиб сайланди.

Анжуманда янги тузилманинг меҳнаткашлар манфаатларини таъминлаш ишларини такомиллаштириш, мамлакатлараро касаба уюшмаларининг дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва асосий вазифаларни амалга оширишда тажриба алмашишлар, ютуқларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш борасидаги вазифалари ҳам белгилаб олинди.

Конструктив ва дўстона руҳда ўтган тадбирда Туркий давлатлар касаба уюшмалари ҳамкорлигининг барча жабҳасида интеграциялашув қардош халқлар манфаатларига мос келиши таъкидланди. Ўз навбатида, бандликни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами муҳофазаси, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, миллий ва халқаро меҳнат стандартларини ҳаётга татбиқ этиш, ишловчилар маънавиятини ва кадрлар малакасини ошириш, янгиланган таълим ғояларини илгари суриш, ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида касаба уюшмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби устувор вазифаларни бажаришда баҳамжиҳат ишлаш юзасидан бир тўхтамга келинди.

Йиғилишда Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг биринчи съездини шу йил 29 ноябрь куни Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказиш юзасидан келишиб олинди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.**

Муносабат

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ҲАМЖИҲАТЛИКДА БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ

*Глобал иқлим ўзгариши, атроф-муҳит ифлосланиши, маиший ва саноат чиқиндиларининг тобора ортиб бориши, сув ресурслари танқислиги, биохилмахилликнинг йўқолиши натижасида дунёда экологик вазият тобора кескинлашиб бормоқда.*

Бундай шароитда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари, давлат дастурлари қабул қилиниши ва уларнинг ижроси бўйича изчил ишлар олиб борилаётгани, бунда кенг жамоатчиликнинг фаол қатнашиши беқиёс аҳамият касб этаётир.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам юртимиз бебаҳо табиий бойликларини кўпайтириш ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлаш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган нормалар ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқида дунёда кескин экологик вазият, хусусан, учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилмахиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучайиб бораётганлигига эътибор қаратилгани янада аҳамиятлидир.

Албатта, ушбу масалага бу даражада катта эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим даражага кўтарилди. Бу — дунёдаги ўртача исишдан икки карра кўп, дегани. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Агар ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё — Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда.

Бош Ассамблеяда Ўзбекистон бу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилишини қўллаб-қувватлаши маълум қилинди. Шунингдек, Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — сув ресурслари” механизмини ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш таклиф этилди.

Таҳлилларга кўра, 15 йил ичида юртимизда аҳоли жон бошига сув таъминоти 3048 куб метрдан 1589 куб метрга қисқарди. Жаҳон сув ресурслари институти томонидан эълон қилинган сув стрессидан азият чекаётган давлатлар рейтингида Ўзбекистон 164 мамлакат орасида 25-ўринни эгаллайди.

Шу жиҳатдан, мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, охирги йилларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, бу ресурсларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилди.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2022 йилда республика бўйича жами 398,4 минг гектарда томчилатиб, 31,0 минг гектарда ёмғирлатиб, 16,3 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинган. 451,9 минг гектар майдон эса лазер ускунаси ёрдамида текисланган. 73,0 минг гектарда эгилувчан қувурлар орқали, 36,0 минг гектарда эса эгатга плёнка тўшаб суғориш ишлари амалга оширилган.

Ушбу технологиялар жорий қилинган майдонларда сувни 40 — 50 фоизга, минерал ўғитларни 25 — 30 фоизга, ёнилғимойлаш материалларини 30 — 35 фоизга камайтириш, шунингдек, ҳосилдорликни, жумладан, пахтачиликда 30 фоизгача ошириш имконини берган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун бўлиб, мамлакатимиз ўз зиммасига олган барча мажбуриятни тўла ва қатъий бажармоқда. Жумладан, стратегияда юртимизда сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн. гектаргача, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш билан боғлиқ вазифаларга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

Мазкур ҳужжатда қўшни давлатлар билан сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш, трансчегаравий сув ресурслари ва давлатлараро сув хўжалиги объектларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида икки тарафлама манфаатли ҳамкорликни фаол давом эттириш ҳам ўрин олди.

Мухтасар айтганда, бугун олдимизда долзарб экологик муаммоларга ҳамжиҳатликда ечим топиш, глобал иқлим ўзгаришига мослашиш, биохилмахиллик қисқариши ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишдек муҳим вазифалар турибди. Бу борада биз, депутатлар қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, парламент назорати шаклларидан фойдаланган ҳолда тегишли ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини мониторинг қилиб борамиз.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

Учрашув

# ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШ ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ – ПИРОВАРД МАҚСАД

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиев раҳбарлигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.*

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги мунтазам ўзаро ташрифлари, мулоқотлари натижасида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстлик алоқалари янги босқичга кўтарилгани, бунинг натижасида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро дўстона ҳамкорлик икки давлат тараққиётини таъминлаш ва халқларимиз фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Айтилганидек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси нафақат мамлакат миқёсида, балки Халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида ҳам алоҳида ўринга ва нуфузга эга. Икки мамлакат касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш каби йўналишларда давлат ҳамда иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорликда тизимли ишларни олиб бормоқда.

Учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғулистон ва Ўзбекистон касаба уюшмалари қарори асосида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ташкил этилгани ҳам урғуланди.

Ўз навбатида, Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиев ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболларига тўхталди. Соҳада ўзаро тажриба алмашиш борасидаги фикрларини баён этди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси ўртасида манфаатли ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Унда томонлар ўзаро тенглик ва ҳурмат принциплари асосида касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш борасидаги алоқаларни мустаҳкамлашни шерикликнинг асосий йўналиши сифатида қайд этдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг қарорига асосан, икки қардош халқлар касаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиев “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати” унвони билан тақдирланди.

Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси делегацияси Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор масканларига ҳам ташриф буюрди. Хусусан, Миробод туманидаги Ҳайдар Алиев монументи пойига гулчамбар қўйилди ҳамда “Янги Ўзбекистон боғи” мажмуаси билан танишилди.

Шундан сўнг делегация аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси фаолияти билан танишди. Бу ерда Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиевга Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг фахрий профессори унвони берилди.

Озарбайжонлик меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари саройини бориб кўрди. Танишув жараёнида улар ўзбек санъатининг асосчилари ва намояндалари, уларнинг ҳаёти ҳамда ижоди тўғрисида қизиқарли маълумотлар билан таништирилди.

**«Халқ сўзи».**

# МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида “2023 йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратилиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан миллий мониторингни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида” брифинг ўтказилди.*

## Брифинг

Таъкидланганидек, Президентимизнинг қатъий иродаси туфайли сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам бериш борасида катта натижаларга эришилди. Шу мақсадларда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мавжудлари қайта кўриб чиқилди. Бунинг самараси ўлароқ, юртимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди.

Брифингда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ва Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг мажлис баёнлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ва тавсиялари асосида жорий йилнинг 26 сентябридан 31 октябригача миллий мониторинг ўтказиш режалаштирилгани ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Мониторингни ўтказишдан асосий мақсад пахта йиғим-терими ишларида вояга етмаган шахслар, ўқувчи ва талабалар, бюджет ҳамда нобюджет ташкилотлари ходимларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мавсумда теримчилар учун дам олиш ва меҳнат шароитлари яратилганини баҳолаш, қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун адолатли меҳнат ҳақи тўланишини, шунингдек, бошқа муҳим жиҳатларни назорат қилишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. — Ушбу мониторинг давомида камчиликлар аниқланса, уларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилади ва мониторинг юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясига мунтазам ахборот бериб борилади.

Тадбирда қайд этилганидек, миллий мониторингни сифатли ўтказиш мақсадида унинг услубиёти такомиллаштирилган, “Мониторинг гуруҳларининг жойларда ҳаракатланиш кетма-кетлиги”, “Мониторингда интервью олиш саволномаси”, “Пахта йиғим-терими иштирокчилари учун яратилган шарт-шароитларни баҳолаш бўйича саволнома” ва ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилиб, мониторинг гуруҳларига тақдим этилган.

Миллий мониторинг жараёнида пахта тераётган вояга етмаган шахслар, шунингдек, мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда касаба уюшмаларининг инспектори томонидан вазият ўрганилиб, далолатнома тузилади ва уларни ўқув даргоҳига ёки уйига, иш жойларига қайтариш чоралари кўрилади. Шу билан бирга, ҳудудий қайта алоқа механизми вакилларига ҳам хабар берилади. Айбдор шахсларга нисбатан чора кўриш учун меҳнат инспекциясига юборилади.

Айтиб ўтилганидек, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган қайта алоқа механизми Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ташкил этилган бўлиб, мавсум давомида узлуксиз равишда кечаю кундуз ишлайди. Бунинг учун Федерация юридик клиникаси ва унинг ҳудудлардаги филиалларида касаба уюшмалари вакилларининг доимий навбатчилиги йўлга қўйилди.

Миллий мониторинг даврида ўрганиш натижаларини ошкор этмаслик тамойилига амал қилиниб, унинг якунлари тўғрисида декабрь ойида ўтказиладиган давра суҳбатида батафсил маълумот берилади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «БИЗ БИРГАМИЗ» ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАСИ

*Шу йилнинг 23-24 сентябрь кунлари Самарқандда ногиронлиги бўлган ва жисмоний имконияти чекланган шахслар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг V савдо ярмаркаси ўтказилди.*

## Ярмарка

Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг барча вилоятидан келган ўзгалар парваришига муҳтож ҳамда турмушда қийналаётган ногиронлиги бўлган болалар тайёрлаган маҳсулотлар сотувга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, “Биз биргамиз” ижтимоий лойиҳаси доирасидаги мазкур хайрия тадбири минглаб кўнгилларни хушнуд қилишга ҳисса қўшиб келмоқда. Ижтимоий лойиҳадан кўзланган мақсад — ногиронлиги бўлган шахслар ўз уйларида тайёрлаган маҳсулотлар сотувида (реализация) ёрдамлашиш, уларнинг яшашга иштиёқини, ҳунарга ҳамда ўз касбига бўлган қизиқишини янада оширишдан иборатдир.

Асосийси, лойиҳа ўз самарасини бермоқда. Масалан, бу йил ўз уйида турли буюмлар тайёрлаш билан шуғулланувчи имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган 70 нафар шахс ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, 388 миллион сўмлик савдони амалга оширди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯПОНИЯНИНГ НАГОЯ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАХРИЙ КОНСУЛЛИГИ ОЧИЛДИ

*Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш, икки томонлама иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар кўламини янада кенгайтириш ҳамда Аичи префектурасида яшаётган мамлакатимиз фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Нагоя шаҳрида Ўзбекистоннинг фахрий консуллиги очилди.*

## Биз ва жаҳон

Ўзбекистоннинг Токиодаги дипломатия ваколатхонаси маълумотига кўра, шу йил 19 сентябрь куни бўлиб ўтган янги фахрий консулликнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Нагоя шаҳридаги фахрий консули этиб тайинланган “IM Corporation” компанияси ҳамда “Нагоя — Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси маслаҳатчиси Хироюки Итога тегишли консуллик патенти тантанали топширилди.

Маросимда мамлакат парламенти, вазирликлари, Аичи префектураси, Нагоя шаҳри маъмурияти ва депутатлари, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO), Нагоя савдо-саноат палатаси, қатор йирик компаниялар, университетлар, жамоатчилик ташкилотлари ва ушбу шаҳарда жойлашган дипломатия корпуси вакиллари ҳамда ватандошларимиз иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Япония томони вакиллари янги ташкил қилинган Нагоя шаҳридаги Ўзбекистоннинг фахрий консуллиги мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Нагоя шаҳрига ташрифининг амалий натижаларидан бири бўлганини қайд этди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Аичи префектураси ва Нагоя шаҳри билан дўстона алоқаларни ривожлантириш ва икки томонлама иқтисодий, савдо, маданий, илмий-техникавий, миграция ва консуллик алоқаларини чуқурлаштиришга кўмаклашиш, халқ дипломатияси ҳамкорлиги, фуқаролар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, Аичи префектурасида таҳсил олаётган ва компанияларда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Япония парламенти қуйи палатаси Қонунчилик ва суд масалалари қўмитаси раиси Тадахико Ито ўзи яшайдиган шаҳарда Ўзбекистоннинг фахрий консуллиги очилишидан ғоят мамнунлигини маълум қилди. У Ўзбекистон Президентининг 2019 йилда Нагоя университетига ташрифи ва унга ушбу университетнинг фахрий доктори унвони берилиши икки томонлама таълим, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожининг гарови эканлигини қайд этди.

Қўмита раиси Аичи префектурасида истиқомат қилаётган 500 нафардан ортиқ ватандошларимиз ва япон туристларини Ўзбекистонга кенг жалб қилиш мақсадида фахрий консуллик билан биргаликда Нагоя — Тошкент ҳаво қатновларини тиклаш ва чартер қатновларини ишлаб чиқишга эҳтиёж катта эканлигини айтди.

Япония парламенти қуйи палатаси депутати, “Япония — Ўзбекистон” парламент лигаси аъзоси, собиқ иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари Ясумаса Нагасака ҳудудлараро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида янги консуллик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини ҳамда Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорликни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди. У Япония парламенти ва ҳукуматига Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашда кўмак кўрсатишини таъкидлади.

Нагоя шаҳри мэри Такаши Кавамура Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан 2019 йил декабрдаги учрашувини илиқ хотирлар экан, Нагоя — Ўзбекистон дўстлик алоқалари фаол ривожланаётганидан, икки давлат фуқаролари ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланаётгани ҳамда қўшма делегациялар, иқтисодий ва маданий миссиялар, мактаб ўқувчилари ва санъаткорлар алмашуви йўлга қўйилганлигидан мамнуният изҳор этди. У Ўзбекистоннинг Нагоя шаҳридаги фахрий консуллиги билан ҳамкорликда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз: ҳозирги кунларда Ўзбекистоннинг турли хорижий мамлакатларда 40 га яқин фахрий консулликлари фаолият кўрсатмоқда.

**«Дунё» АА.**
Нагоя

# БАРЧА ОРЗУ-НИЯТ ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ УЧУН

*Сангардак — тошлар билан ўралган манзил, деган. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида шундай номдаги хушманзара қишлоқ бор. Бу ердаги Сангардак шаршараси денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликдан отилиб турган табиатнинг ноёб мўъжизасидир.*

## Бунёдкорлик



Албатта, "шаршара" сўзи тилга олинганда, кўпчилик мактаб дарслигидаги ўша машҳур **Ниагара шаршараси**ни хаёлдан ўтказади. Шу ўринда "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ", деган ҳикматли нақлни қўллаш айни муддао, деб ўйлайман.

Нега? Чунки Сангардак шаршарасининг Ниагарадан фарқ қиладиган бир қатор ўзига хос хусусиятлари бор. Яъни: **биринчидан**, Ниагара шаршарасининг баландлиги 57 метр бўлса, Сангардак шаршараси 150 метрдан зиёд баландликдан қояларга урилиб оқади;

**иккинчидан**, Ниагара шаршарасини шу номдаги дарё шакллантирган бўлса, аксинча, Сангардак тоғ дарёсидан эмас, балки ғорлар ичидаги ер ости дарёларидан сув олади;

**учинчидан**, Ниагара шаршараси XVII асрда француз мустамлакачилари томонидан кашф этилган бўлса, Сангардак шаршараси XVI асрдан бери халқимизга ва хорижий меҳмонларга ҳам маълуму машҳур.

Қувонарлиси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 17-18 октябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Сариосиё туманидаги дунёга машҳур Сангардак шаршарасига яқин ҳудудда барча қулайликка эга замонавий санаторий барпо этиш юзасидан зарур вазифаларни белгилаб берганди. Мазкур топшириқ асосида осмонўпар тоғлар қўйнида замонавий ва миллий меъморий ечимлар асосида муҳташам соғломлаштириш маскани — 200 ўринли "Сангардак" санаторийси қад ростлади.

Шу йилнинг 16 сентябрида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаоллари, устоз ҳамда мураббийлар, таниқли ижодкорлар ва ёшлар билан биргаликда Сурхон воҳаси, Сариосиё туманида жойлашган, бетакрор табиат бағридаги "Сангардак" сиҳатгоҳининг тантанали очилиш маросимида қатнашдик.

Жаҳон андозаларига мос даражада барпо этилган мазкур соғломлаштириш масканини халқимиз Президентимиздан муносиб туҳфа сифатида қабул қилди, десак, муболаға бўлмайди. Ушбу кўркам сиҳатгоҳ, таъбир жоиз бўлса, Мустақиллигимизнинг 32 йиллигига аталган ўзига хос байрам совғасидир.

Халқимизнинг мароқли дам олиши, соғлиғини тиклаши учун барча шароит яратилган мазкур муҳташам иншоот мамлакатимизда "Инсон қадри учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг яна бир ҳаётий ифодаси бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги таҳрирдаги Асосий Қонунимизнинг 1-моддасида **"Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат"** деган норма белгиланганини бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг янги иншооти бўлган "Сангардак" санаторийсининг бунёд этилиши ҳам ана шу эзгу йўлдаги муҳим лойиҳалардан биридир. Бу улуғвор бунёдкорлик самараси тимсолида, бир томондан, давлатимиз том маънода ижтимоий давлат мақомига муносиблиги таъкидланаётган бўлса, иккинчи томондан, жамиятимизда инсон қадри ва манфаатлари ҳамма нарсадан устунлиги амалда намоён этилмоқда.

Яқинда тасдиқланган **"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида жами 100 та мақсад, 369 та чора-тадбир, 190 та вазифа, 306 та мақсадли кўрсаткич бажарилиши ва бу борада 118 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.** Ушбу дастуриламал ҳужжатнинг ижросидан юртимиздаги ҳар бир инсонга қулай имконият, муайян енгилликлар, моддий ва маънавий манфаат етса, ўз навбатида, ҳар қайси оила ҳамда хонадон ободлик, тўкинлик, файз ва барака топади.

Аслида ҳам, сўнгги йилларда аҳолининг муносиб турмуш кечириши, саломатлигини тиклаши ва дам олиши учун зарур шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шунинг учун жойларда янгидан-янги сиҳатгоҳлар барпо этилмоқда, мавжуд санаторийларнинг моддий-техника базаси



мустаҳкамланиб, қабул қуввати оширилмоқда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари доимий эътиборда турибди.

Шу ўринда пурвиқор тоғлар бағрида "Сангардак" санаторийсининг бунёд этилишига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бош-қош бўлгани ғоят аҳамиятли эканлигини таъкидлаш лозим. Бинобарин, энг кўп сонли ушбу нуфузли жамоат бирлашмаси кейинги даврда янги Ўзбекистоннинг чинакамига янги касаба уюшмалари ташкилотига айланди.

Айни вақтгача Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 30 дан ортиқ санаторийлар фаолият кўрсатаётганди. Шундай масканлар сони энди "Сангардак" санаторийси ҳисобига яна биттага кўпайди.

Тоғ иқлими, табиатининг шифобахш хусусиятига кўра, юқори нафас йўллари, аллергия, астма, асаб, юрак-қон томир, урологик, гинекологик, ҳаракат-таянч тизими касалликларини даволашга ихтисослаштирилган "Сангардак" санаторийси қурилиши билан боғлиқ қуйидаги далиллар алоҳида диққатни тортади:

- ушбу замонавий сиҳатгоҳ Ўзбекистоннинг энг жанубий ҳудудида — Термиздан деярли 200 чақиримлик масофадаги Сариосиё туманида жойлашган;
- майдони 3,16 гектарни ташкил этадиган бу дам олиш маскани денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда қад ростлаган;
- саккиз қаватли бинодан иборат муҳташам санаторийни барпо қилиш учун қия рельефли майдонларда мураккаб шароитдаги қурилиш ишлари амалга оширилган;
- мажмуага 4 километр масофадаги тоғлар қўйнидан махсус қувурлар орқали ичимлик суви тортиб келинган;
- соғломлаштириш маскани ташхислаш ва даволаш, саломатликни тиклаш ва турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар, юқори сифатли мебеллар билан жиҳозланган;
- бу ерда дам олувчилар учун физиотерапия ва сув билан даволаш бўлимлари, шифобахш туз ғори, лаборатория, жисмоний тарбия, балчиқ ва парафин билан даволаш, гидроаэроионизация хоналари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, турк ҳаммоми хизматларидан фойдаланиш шароитлари яратилган;
- санаторийда кутубхона, маданият саройи, теннис хоналари, мазали ва дармондориларга бой таомлар тайёрланадиган ошхона, болалар ўйингоҳи ҳам бунёд этилган.

Мутасаддилар қайд этишича, янги санаторийда яратилган шарт-шароитлар ҳар йили 6 минг 400 нафар фуқаронинг саломатлигини тиклаш ва соғломлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, соғломлаштириш масканида 150 дан ортиқ кишилар иш билан таъминланди. Тантанали маросимда санаторий тасарруфига автобус ва енгил автомашина топширилганига ҳам бевосита гувоҳ бўлдик.

Энг асосийси, "Сангардак" санаторийси жойлашган ҳудуд жуда баҳаво ва салқин. Унинг тўрт тарафидан Ҳисор тоғ тизмалари, шарқираб оқаётган сойлар худди кафтдагидек кўриниб туради. Бундай бебаҳо табиат неъматлари дам олувчиларга хуш кайфият бағишлаб, саломатликларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши тайин.

Тарихдан яхши маълумки, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий темурийзода подшоҳ султон Ҳусайн Бойқаро билан маслаҳатлашган ҳолда, улкан қурилишлар ва кўплаб савобли амалларнинг бошида турган. Донишманд мутафаккир бобомиз саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган "Ихлосия", "Шифоия" мадрасалари, "Халосия", "Жамоатхона" ва "Зиёратгоҳ" ҳонақолари узоқ йиллар давомида халқ хизматида бўлган.

Шу нуқтаи назардан, муҳташам ва мўъжизавий "Сангардак" санаторийсини бунёд этишга ҳисса қўшган барча юртдошларимиз улуғ боболаримиз каби бемисл савобга дохил бўлди. Президентимиз таъбири билан айтганда, **"Барча орзу-ният ва интилишларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз — ҳамма-ҳаммаси бизга катта умид билан боқиб турган халқимиз учундир"**.

**Акмал САИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.**

# СПОРТЧИЛАРИМИЗ ВАТАН ШАРАФИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

← 1



Мусобақадаги дастлабки медални академик эшкак эшиш бўйича аёллар ўртасида енгил вазн тоифасидаги жуфтлик дастурида қатнашган Луизахон Исломова ҳамда Малика Тагматова қўлга киритди. Ҳамюртларимиз муросасиз кечган финал дастурида марра чизиғини иккинчи бўлиб кесиб ўтишди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Ўзбекистон вакиллари Осиё ўйинларидаги иккинчи медални ҳам ушбу спорт турида қўлга киритди. Академик эшкак эшиш бўйича эркаклар ўртасида енгил вазнли спортчилар баҳсида Шаҳзод Нурматов ҳамда Собиржон Сафаралиев бронза медалига сазовор бўлди.

Эътиборли жиҳати, делегациямиз ҳисобига навбатдаги медални ҳам академик эшкак эшиш баҳсларида иштирок этаётган спортчиларимиз келтиришди. Хусусан, M2 дастурида Шаҳбоз Холмирзаев ҳамда Меҳрожбек Маматқулов жуфтлиги кумуш медални қўлга киритди.

Академик эшкак эшишнинг M2 дастурида қатнашган Шеҳроз Ҳакимов ҳамда Дилшоджон Худойбердиев ҳам навбатдаги кумуш медални ўз ҳисобига ёзиб қўйди. Шунингдек, мазкур спорт турининг яккалик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Анна Пракатен олтин медалга сазовор бўлди. Яна бир олтин медаль ушбу спорт турининг M4 дастури бўйича Шеҳроз Ҳакимов, Давр Давронов, Дилшод Худойбердиев ва Алишер Турдиев квартети томонидан тақдим этилди. Ўзбекистон делегацияси ғазнасига яна бир кумуш медални академик эшкак эшиш бўйича M4x дастурида Шаҳзод Нурматов, Шаҳбоз Холмирзаев, Меҳрожбек Маматқулов ва Собиржон Сафаралиев квартети қўшиб қўйди.

Дзюдо беллашувларида вакилларимизнинг иштироки жуда сермаҳсул бўлмоқда. Дастлаб Ҳалима Қурбонова ўз вазнида бронза медали совриндори бўлган эди. Ундан кейин Диёра Келдиёрова ва Муроджон Йўлдошев олтин медалларни қўлга киритди.

Таэквондочимиз Мадинабону Маннопова Осиё ўйинларида иккинчи бор совриндор бўлмоқда. Спортчимиз ўз вазн тоифасида бронза медали билан тақдирланди. Эслатиб ўтамиз, ҳамюртимиз ўтган Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритган эди.

Таэквондо WT бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аралаш жамоавий дастурда бронза медалини қўлга киритди. Ярим финалда Жанубий Кореяга қарши баҳс олиб борган спортчиларимиз 47:48 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Терма жамоа таркибида Шуҳрат Салаев, Жасур Жайсунов, Озода Собиржонова, Светлана Осипова юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Дзюдо баҳсларида Гулноза Матниёзова ўз вазн тофасида бронза медалига сазовор бўлди. Гулноза ўтган Осиё ўйинларида ҳам совриндорлар сафидан жой олганди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси Осиё ўйинларида 14 та (4 та олтин, 4 та кумуш ва 6 та бронза) медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 4-ўринда бормоқда.

Беллашувларда спортчиларимиз Париж Олимпиадаси йўлланмаларига сазовор бўлаётгани ҳам эътиборга молик. Жумладан, замонавий бешкураш бўйича аёллар ўртасидаги яккалик баҳсларида иштирок этган "Токио — 2020" Олимпиадаси қатнашчиси Алисе Фахрутдинова мусобақани 1327 очко билан 7-ўринда якунлади ва бу натижа унга Париж Олимпиадаси йўлланмасини тақдим қилди.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**
Ханчжоу, Хитой
Муаллиф олган суратлар.

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи дунё афкор оммасининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Бу бежиз эмас. Зеро, жаҳоннинг энг юксак минбаридан янграган ушбу нутқда халқаро ва минтақавий тараққиётнинг долзарб муаммолари билан бирга уларни бартараф этишга қаратилган истиқболли таклиф ва ташаббуслар, уларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистоннинг қатъий интилиш ва саъй-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилди.*

## Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбари айни пайтда мамлакатимизда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун равишда олиб борилаётган ислоҳотларга урғу берди. Ўзбекистон иқтисодиёти, глобал таҳдидларга қарамасдан, барқарор ўсиш суръатларини намоён этаётганини, сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим мартадан ортиқ кўпайганини қайд этди. Бизнинг бош мақсадимиз 2030 йилга қадар бу кўрсаткични яна 2 баробарга ошириш эканлиги алоҳида таъкидланди.

Юртбошимиз эътироф этганидек, иқтисодиётимизни либераллаштириш йўлидаги яна бир устувор вазифамиз — яқин орада Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлишдир.

Халқимизнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсат туфайли мамлакатимизда 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробар камайди. Биз 2030 йилгача уни 7 фоизга туширишни режа қилганмиз. Аҳолини ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий хизматлар билан таъминлаш кўламини бир неча бор ошириш белгиланган.

Бундай асосли факт ва далиллар, истиқболли режалар ҳар биримизга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди. Айни пайтда бундай юксак натижаларга эришиш учун олиб борилаётган чора-тадбирлар, туну кун заҳмат чекиб қилинаётган меҳнатларни қадрлашга, уларга камарбаста бўлишга ундайди.

Дарҳақиқат, юртимизда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилсак, кўз ўнгимизда ёрқин, нурли бир манзара ҳосил бўлади. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаётганига яна бир бор амин бўламиз.

Бугун қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга аҳамият берилябти.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самара бераётганини макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали кўриш мумкин. Дастлабки баҳолашга кўра, жорий йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми жорий нархларда 469 619,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,6 фоизга ўсди. ЯИМ ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, ташиш ҳамда сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари ва бошқа хизмат тармоқлари ижобий ҳисса қўшди.

Шунингдек, январь — июнь ойларида аҳоли жон бошига ЯИМ жорий нархларда 13 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 3,4 фоизга ўсди.

Президентимизнинг "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириш орқали етакчи тармоқлар ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлашга алоҳида урғу берилган.

Юртимизда саноат соҳасига қаратилаётган юксак эътибор натижасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, 69,6 мингдан зиёд саноат корхоналари томонидан шу йилнинг январь — июнь ойларида 293,6 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан физик ҳажм индекси 5,6 фоизга ошди.

Шунингдек, иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори улуш қайта ишлаш саноати ҳиссасига (84,0 фоиз) тўғри келди, шу билан бир қаторда, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, инвестициявий фаолиятга урғу бериш натижасида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатининг улуши (9,0 фоиз) ҳам ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Фаол инвестициявий сиёсат юритилиши ҳамда соҳага янги инновацион технологияларнинг жорий этилиши натижасида ўтган йилнинг I ярим йиллигига нисбатан электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноатида 9,9 фоизга, қайта ишлаш саноатида 6,3 фоизга ўсишга эришилди. Ушбу ижобий ўсиш суръатларига эришишда шу йилнинг I ярим йиллигида 7,9 мингдан ортиқ янги ташкил этилган саноат корхоналарининг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Самарали ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми барқарор ўсишда давом этмоқда. Январь — июнь ойларида 68,1 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 4,8 фоиз юқоридир.

Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони ҳам муттасил ўсиб бормоқда. Улар, асосан, шаҳарларда, қолаверса, узоқ қишлоқ ва овулларда фаолият юритяпти.

Кенг кўламли бажарилаётган қурилиш фаолияти натижасида жорий даврда умумий майдони 6 599,0 минг кв.м. бўлган 30,6 минг хонадонга мўлжалланган тураржойлар ҳамда деярли 1,4 минг км. узунликдаги сув тармоқлари ишга туширилди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бошқа тармоқлар қаторида бу соҳада ҳам хусусий секторнинг улуши юқори кўрсаткичга эга бўлмоқда. Жумладан, январь — июнь ойларида амалга оширилган қурилиш ишларининг 97,1 фоизи нодавлат мулкчиликдаги корхоналар томонидан бажарилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини ошириш, жойларда тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш натижасида жорий йилнинг январь — июнь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 212,8 трлн. сўмга етди ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 12,3 фоиз ўсишга эришилди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига молиявий хизматлар, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, савдо, таълим соҳасидаги хизматларнинг ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Молия сектори янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш ҳамда технологияларга сармоя киритиш ҳисобига жадал ривожланмоқда. 2023 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида молиявий хизматлар ҳажми 50,0 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан ўсиш суръати 122,7 фоизни ташкил этди.

Давлат томонидан аграр соҳани қўллаб-қувватлаш, иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бўйича амалга оширилган тизимли тадбирлар натижасида дастлабки маълумотларга кўра, шу йил январь — июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида умумий ишлаб чиқариш ҳажми 154,5 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 3,8 фоизга ошди.

Республикада бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришни рағбатлантириш тизими жорий этилгани ўзининг улкан ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, таҳлил қилинаётган даврда республика бўйича жами 5 443,4 минг тонна дон ва дуккакли дон экинлари етиштирилди.

Мамлакатимиз ҳудудларида мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотларини кўпайтириш, агротехник тадбирларни ўз муддатида ўтказиш, улардан юқори сифатли, экспортбоп маҳсулот етиштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш мақсадида замонавий технологиялар асосида интенсив мевали боғ ва токзорларни барпо этиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. Натижада юртимизда 1 670,9 минг тонна картошка, 3 300,2 минг тонна сабзавот, 243,2 минг тонна полиз, 1 020,0 минг тонна мева ҳамда 49,4 минг тонна узум етиштирилди.

Жорий даврда республика бўйича тирик вазнда жами гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 1 267,5 минг тоннани, соғиб олинган сут 5 288,3 минг тонна, тухум 3 571,2 млн. дона, қирқиб олинган жун 20,8 минг тонна, қоракўл тери 961,9 минг дона ҳамда овланган балиқ 46,5 минг тоннани ташкил этди.

Кейинги йилларда чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари доирасида қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, паррандачилик каби кўплаб хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилиб, чорва моллари бош сонининг кўпайишига муҳим замин яратилмоқда. Бунинг натижасида жорий йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар умумий бош сони 13,5 миллионга, қўй ва эчкилар — 23,4 млн. ва паррандалар 94,2 миллионтага етди.

Охирги йилларда экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йил январь — июнь ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси 29,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Мамлакат тарихида бу натижа энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган.

Ташқи савдо айланмасида товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкорларимиз Россия, ХХР, Туркия, Қозоғистон, Афғонистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистон каби давлатлар бўлган. Уларнинг умумий экспортдаги улуши 38,2 фоизни ташкил этди.

Олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ, 2023 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 139,1 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,9 фоизга ошди.

Бу рақамлар, фактлар мамлакатимиздаги барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт кўзгусидир. Уларнинг замирида ҳар томонлама чуқур ўйлаб, самарали амалга оширилаётган сиёсат ётибди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётда чуқур тизимли инвестициявий ислоҳотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янгилаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар бунга асос бўлмоқда.

**Баҳодир БЕГАЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 088 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н.Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6